6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 «Новости». 8.50 «Камалат» экранни: «Картошклар ва аждархор». Мультсериал. 9.35 «MAGGI» @ Олтин ошона. 9.40 «Ватанпарвар». 11.00 Ватан халқида қўшиқ. 11.10 «Хамкорлик ришталари». 11.25 «Бу турфа олам». 12.25 «Кўёши ботмайдиған юрт». Видеодизайн. 6-кисм. 13.15 «Интеллектуал ринг». 13.55 «Гохи шодлик, гохи гам». Бадийи фильм. 1-кисм. 15.40 ТВ-анонс. 15.45 «Гохи шодлик, гохи гам». Бадийи фильм. 2-кисм. 17.20 «50X50». Ток-шоу. 18.05 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS. Овоз бериш). «Болалар сайраси»: 18.15 «Олтин тож». 18.50 «Ешлик наволари». 19.00 ТВ-анонс. 19.05 «Одамлардан бири». 19.25, 20.00 Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Оханрабо». 21.00 ТВ-анонс. 21.45 Гулсанам Мамазитоива куйлади. 22.05 «Оталар сўзи ақлингиз кузи» хазинасидан. 23.00 «Кўшигимсан, мухаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.15 «Кўёши ботмайдиған юрт». Видеодизайн. 7-кисм. 00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55Кўрсатувлар дастури. 7.00 Давр. 7.30 «Мунаввар тонг». Информационцион дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: Билагон маслахати. 8.50 Мафтунингман, диёрим!. 8.55 Икким. 9.00 Давр. 9.10 «Эсмеральда». Телесериал. 9.40 Ватанпарвар. 10.40 Давр мавзуси. 10.55 Табаот олимпиада. 11.00 «Махобхорат». Телесериал. 12.05 Орузлар канотида. 12.35 Менимча. 12.40 Ешлар ва хуқук. 13.00 Давр. 13.10, 16.10 ТВ-анонс. 13.15 Интертубол. 14.55 «Кино SMS» танлови. 15.00 «Гамлет» спектаклининг 2-кисми. 15.55 Менимча. 16.00 Давр. 16.15 Кўрсатувлар дастури. 17.05 Саломатлик сирлари. 17.55 Жахон маданияти хазинасидан: «Махобхорат». Телесериал. 18.40 Каталог. 18.50 Мафтунингман, диёрим!. 18.55, 21.55 Икким. 19.00 Давр. 19.35 «Закват». Интеллектуал уйин. 20.30 Кутилмаган меҳмон. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Мухаббат ва ахтирос». Телесериал. 21.00 Мафтунингман, диёрим!. 22.00 Давр. 22.40 Ешлар куйлаган. 22.45 Спорт антологияси. 22.50 Кулгуч. 23.50 «Кино SMS».

12.05 «Килни кирк вриб». Интеллектуал уйин. 12.55 Кинотақдим «Камтарин кулингиз». Бадийи фильм. 14.40 Азимиз. 15.10 Ринг кироллари. 16.00 Менимча. 16.05 Чемпион сирлари. 16.25 «Гамлет» спектаклининг 3-кисми. 17.20 «Кино SMS» танлови. 17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод» студияси: Уй вазирали. 17.50 «Мақтанчоқ филча». «Лоф» уришга ким уста». Мультфильмлар. 18.11 «Кино SMS» танлови. 18.15 «Кадими мавжудотлар». Илмий уммабол фильм 3-кисм. 18.45 Менимча. 17.35 «Мафтунингман, диёрим!». 18.55, 21.55 Икким. 19.00 «Давр» хафта ичида. 19.35 Сув - хаёт манбаи. 19.40 Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов куйлади. 20.00 Жахон маданияти хазинасидан: «Махобхорат». Телесериал. 20.45 Хангома. 20.55 Охшом кўнги-роклари. 21.05, 22.05 Эълонлар. 21.10 «Кино SMS» танлови. 17.35 «Мухаббат ва ахтирос». Телесериал. 22.10 Мафтунингман, диёрим!. 22.15 Спорт антологияси. 22.20 «Кино SMS» танлови. 22.25 «Улим сўкмоги» бадийи фильм.

СТС

7.00 «Боевой фургон». Х/Ф. 8.50 «Пепси Длинныйчюлок». Мультсериал. 9.20 «Смешарики». Мультсериал. 9.30 «Остров черепашек». Мультсериал. 10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам». 10.30 «Питер Пан и пираты». Мультсериал. 11.00 Х/Ф «Небесный пёс». 13.00 «Самый умный». Телеигра. 15.00 «Кино в деталях». Ведущий - Федор Бондарчук. 16.00 Фильм производства ВВС - «Правда о витаминах». 17.00 Истории в деталях. Спецвыпуск. 17.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей. Новые приключения ментов». 18.15 М/Ф «История рыцаря». 21.25 Комедия «Моя прекрасная няня». 22.00 Х/Ф «Каспер и Венди». 00.05 «Хорошие шутки». Концерт. 2.05 Х/Ф «Ищейки с Бродвея». 3.40 Х/Ф «Наедине с незнакомецем». 5.05 Х/Ф «По свежим следам».

ЯКШАНБА, 25

«Ўзбекистон»

6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 «Новости». 8.50 «Камалат» экранни: «Картошклар ва аждархор». Мультсериал. 9.35 «MAGGI



КУЛИНГ ДУСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

Кўшимиз Қарлибой билан бир йўлда тураимиз. Эшигимиз бир-бирига қараган. Бироқ борди-келдимизнинг унча мазаси йўқ. Гапимиз ҳам қовушавермайди. Сабаби Қарлибойнинг отган одими пул. Юз минг деганлари оғзининг бир четидан чиқиб кетади. Хотинининг энгида қимматбах матолардан тикилган кийимлар, қўлларини эса инжу маржонлар беэзаган. Хуллас биз уларнинг олди-

да майда одамлармиз. Таро-

келди. Иккови галма-гал эшик кўнгирағини босди. Ичкаридан садо бўлмади. Сабаби, улар уйда йўқ эди.
— Манави уйда ҳеч ким йўқми?— дея сўрашди улар бизни чақириб.
— Уларникида ҳеч ким йўқ,— жавоб бердик.
— Қаерга кетганларини айтолмайсизми?
— Бугун эрталаб Тошкентга кетишди.
— Кечга яқин қайтиб келармиканлар?
— Йўқ-е. Кела олишмайди.
— Бир-икки кун бўламиз,-

дейшаётганини эшитгандим.
— Балки рейси кечиктирилиб, Тошкентга учмай қолгандир?
— Йўқ, аниқ учиб кетишди. Эрталаб мен ҳам ўғлимни аэропортга олиб чиққандим, бирга учиб кетишди.
— Раҳмат.
Шундай дейишди, ҳалиги икки йигит тез-тез юриб пастга тушиб кетишди.
Шу кун телевизорда ҳам дурустроқ кўрсатув бўлмаганлиги учун эртароқ ухладик. Эрталаб нонушта қилиб, ишга отландим. Кўча эшикни очиб қарасам эшик тутқичида бир қоғоз турибди. Дарров олиб ўқидим.
— «Берган ишончли маълумотингиз учун раҳмат. Сиз билан туш пайти учрашган йигитлар».

Бундоқ хатдан бош кўтариб қарасам, кўшимизнинг эшиги ланг очиб, уйининг ичи хувиллаб шип-шийдон бўлиб турарди.

Муродбой НИЗОНОВ

ИШОНЧЛИ МАЪЛУМОТ

ҲАЖВИЯ

зида тошинг тенг келмаса, бир эшиқдан кириб-чиққанин бейфойда экан.

Бир кун тушликка яқин уларни ахтариб икки йигит

дейишдими?
— Бизларга-ку ҳеч нарса дейишгани йўқ. Бироқ бир-ровларга Тошкентга, ундан Бишкекка учамиз,—



Шахримиздаги маданият ва истироҳат боғларида аския кечаларини ўтказиш анъана тусига кирган.



ХАНДАЛАР

Тиббий кўриқдан сўнг кийинаётган Беморга шифокор ўқтирди:

— Бундан буён ичиш, чекиш, овқатланиш меъёрида бўлсин. Соат ўндан кечикмай ухланг.

— Кечирасиз, доктор, англашилмовчилик бўлганга ўхшайди, мен бу ерга ўзимчалик келганим йўқ, жаноби Смит тиббий кўриқдан ўтиб келинг деганди.

— Тушундим. Тезроқ бориб ишга жойлашавринг, аммо биринчи маошнин ювишни унутмасангиз бўлди.

— Нима бўлди, Генри?—сўради хотини.

— Устарага бир нима бўлганга ўхшайди,— ваннадан туриб жавоб қилди эри, сира ҳам соқолга ўтмаяпти.

— Мумкинмас, кеча шунчака қаттиқ линолеумни қирққан устара бугун соқолга ўтмайди-а?

— Бугун тушликка фақат пишлоқми?—сўради янги куёв.

— Ҳа, азизим. Очигини айтсам, пишираётганимда котлетлар куйиб, винегретга тушиб кетгач, оловни шўрва билан ўчиришга тўғри келди,— дея тушунтирди янги келинчак.

— Сен мени фақат пул керак бўлгандагина яхши кўрасан,— деди эр.

— Нима шунинг ўзи етарли эмасми, ё машина олиб бер, миниб юрай ҳам дейми,— деди хотини баланд келиб.

— Чодир ўрнатишимиз учун мана шу жой жуда қўлай экан,— деди қиз.

— Маъқул гап айтдинг,— деди йигит кесатиб.— Ахир уя қуришда эллик миллион чумолининг бариси ҳам янглишмагандир.

- Енгил ва беозор ҳазилкашликка одатланг.
- Кулги кўзговчи ҳажвий асарлар, латифалар ва бошқа хангомаларни кўп ўқинг.

КУЛГИСЕВАРЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

• Аъло кайфият, хордиқ берувчи телевидео кинофильмларни, компьютер уйинларини тез-тез кўриб, қизиқарли радиоэшиттиришларни тинглаб мириқиб дам олинг.

• Кайфиятни кўтарувчи, кулгили воқеа-ҳодисаларни эслаб, хар кун ақалли ярим соат руҳий хордиқ олинг ва мавжуд хасталикни бутунлай унутинг.

• Абу Али ибн Синонинг «Бемор кулаётган лаҳзалари юз фоиз соғлом одам ҳолатида бўлади» деган доно гапини эсда сақланг.

КУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

«Отамни меҳмонхонага, онамни ётоқхонага осдим»

(Рассом ўғилнинг дегани)
«Тилингни ютиб, дамингни чиқарма».

(Отанинг болага тибхеи)
«Боламнинг баҳоларини бериб оборинг, бир кўрай-чи!»

(Отанинг йўлда ўқитувчига илтимоси)
«Урушдан қайтганлар, олдинги қаторга ўтиринлар».

(Бир йиғиндаги гапдан)
«Бозорда одам қайнапти-я, бошим оғриб кетди»

(Бир кампирнинг дегани)
«Оёғингни қўлингга олиб югур, кеч қолма»
(Отанинг болага дегани)
«Бу мижозлар кунда келавериб, кўзимни очиримаяптику!»

(Тикувчининг шикоят)
«Ҳа, нима қилиб жим ўтирибсизлар, ахир ошга қарамайсизларми?!»
(Мезбоннинг гапи)



Изоҳга ҳожат йўқ.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

№ 2005

Табриво

латифалар

МЕХМОНХОНАДА

Габроволик меҳмонхонада тунамоқчи бўлиб сўради:

— Бўлма неча пул туради?
— Биринчи қавада — ўн лев, иккинчисида — саккиз, учинчисида — олти, туртинчисида — тўрт лев.

Габроволик ўйланиб, кетишга чоғланди.

— Ҳа, пули қимматлик қилдими?

— Йўқ, меҳмонхонангиз пастлик қилди.

УЙ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Габроволик уй сотиб олмакчи бўлди. Ундан уйнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши кераклигини сўрашганда, у шундай деди:

— Уй шунчалик катта бўлсинки, хотиним уй ишларидан ортиб онасиникига бориб ялпайиб ўтиргани вақти бўлмасин ёки шунчалик кичик бўлсинки, қайнонам бизни кўриб кела олмасин.

АЙНИ МУДДАО

— Кўшни, итингиз яна менинг товуғимни еб қўйибди.

— Яхши айтдингиз-а, бугун унга овқат бермай қўя қоламан.

ХАСИС

Тоғлик кишининг хотини касал бўлиб қолди. Даволаш учун пул сарф қилишга ҳуши йўқ, лекин беморнинг ахволи тобора оғирлашиб борарди. Ноилж у кечкурун шифокорни олиб келиш учун йўлга чиқди. Ярим йўлда нимадир эсига тушиб, уйига қайтди ва хотинига деди:

— Менга қара, мабодо оғирлашиб кунинг битганлигини сезсанг, чирокни пуфлаб ўчириб қўй, керосин бекорга сарф бўлмасин.

ТЕЖАШ

Габроволик поезддан тушиб, извошчидан сўради:

— Шаҳар марказигача неча пул оласан?

— Икки лев. Қани ўтир.

— Йўқ, раҳмат мен неча пул тежашимни билиш учун сўраган эдим.

ЛОФЛАР

— Биласанми, кечаси нима бўлди? Ўғлим коптоғини бир тепувди, қайтиб тушмади. Эрталаб қарасам, куёшининг ёнида сал пучайиб турибди. Қандай олиб тушсам экан? — сўради Салим лофчи.

— Уни олиб тушолмайсан. Сабаби сен куёш деб ўйлаганин ҳам сенларникидай копток. Бир ҳафта бурун набирам футбол ўйнаётганда каттикрок тешиб юбориб озон ёригига тушиб қўйган, — деди Карим лофчи.

Икки болакай суҳбатлашяпти:

— Менинг дадамнинг катта ўроғи бор. Бир учи осмоннинг у четида бўлса, бир учи бу четида, — деди биринчиси.

— Э, шуниям мақтаняпанми? Менинг дадамнинг милтиғи бор. Кечаси осмонга қараб отган эди, нақд юлдузини уриб туширди, — деди иккинчиси ҳам бўш келмай.

Бир лофчи иккинчисига деди:
— Маҳалламизда сумалак тагига олмасан, деб дошқозонга нақ 2 қоп ёнғоқ солишди-я!

— Наҳотки — деди иккинчиси. — Бизнинг маҳаллада мазза-мазза Абдурайимга мазза бўлди. Ҳаммининг уйда тайёрланган сумалакдан чиққан тошлар билан уйининг пойдевори-ни битириб олди азамат.

АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК

Пойтахтнинг Бектемир туманида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин қизлар кўмитаси ва «Аёл ва экология» уюшмаси ҳамкорлигида «Аёл ва саломатлик» мавзuida туман анжумани ўтказилди. Унда туманлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, фаоллар, мактаблардаги юқори синф қизлари иштирок этишди.

— Ҳукуматимиз раҳбари томонидан хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, соғлом фарзанднинг дунёга келиши ва бунинг замирида соғлом келажакни яратилиши борасида қатор қарор ва Фармонлар чиқарилмоқдаки, бу ўз навбатида аёлларимизга ўз саломатликлари хусусида қайғуриш имкониятларини яратди, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси сенатори, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова.

Нотиқ бугунги кунда аёлнинг жамиятда тутган ўрни, унинг зиммасидаги шарафли бурч, оилада ва жамиятда соғлом турмуш тарзини янада барқарорлаштиришдаги роли ҳақида гапирди.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида аёллар ролини ошириш ва туманда аёллар саломатлигини яхшилаш йўлида олиб борилаётган ишлар юзасидан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Кундузхон Сайдалиева мазмуна қилди.

Анжуман қатнашчилари диққати хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган мафқуравий ишларнинг турли таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, ахлоқий тарбиянинг маънавий негизига эътибор, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби масалаларга қаратилди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарлича жавоблар олинди.

Илғилиш сўнида кўтарилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

«Туркистон-пресс»



Маҳалла

ИЛФОРЛИКНИНГ СИРИ — ҶАМЖИҲАТЛИҚДА

Маҳалла фаолиятини ривожлантириш, фуқаролар ўртасида тинч-тотув, аҳил яшаш тарзини қарор топтириш, моддий ва маънавий кўмакка муҳтожларни рағбатлантириб бориш ушбу тизим етакчилари, мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклайди. Мана бир неча йилдирки, Собир Раҳимов туманидаги Комилжон Ғофуров номи маҳаллада бу борадаги ишлар кўлами алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бундай тўхтама қелишимизга сабаблар етарли, албатта. Таъкидлаш жоизки, ушбу маҳалланинг муваффақиятларида уни бошқараётган фуқаролар йиғини раиси Мақсудхўжа Азимхўжаевнинг хизматлари катта. Яқинда Мақсудхўжа ақанинг хизматлари инobatга олиниб, шаҳар микёсида ўтказилган «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловида биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Бундай натижаларга эришиш биз учун осон кечгани йўқ, — дейди бу ҳақда М.Азимхўжаев. — Айтиш мумкинки, ютуқларимиз омилига сабаб фуқароларимизнинг ҳамжиҳатлигидир. Биласизки, бир ёқадан бош чиққан жойда хайрли ишлар бароридан келаверади.

Дарҳақиқат, 3259 нафар аҳоли, 728 та оила яшайдиган ушбу аҳил маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир кексаю ёш маҳалланинг шоду хурсандчилиги, ғам-ғуссаларда ҳозирро но-зир. Ана шу хайрли хатти-ҳара-

катларнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ярмидаги ишлар таҳлил этилганида 36 та кам таъминланган оилаларга 682500 сўмлик, икки ёшгача вояга етмаган фарзандлари мавжуд бўлган 27 та оиллага 2274920 сўмлик ва нихоят 16 ёшгача вояга етмаган 72 та оила вакиллари учун 4076136 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиши баробарида Кобилжон Қодиров, Бахтиёр Расулов, Мансур Давидов, Жасур Собиров сингари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи эзгу ниятли кишиларнинг хайру саховати боис маҳалланинг қўлпаб тадбирлари беками-кўст ўтказилиб келинмоқда.

— Маҳалла фаолиятида аёлларнинг ҳам ўз ўрни ва нуфузи бўлиши зарур, — дейди оқсоқолининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муссаер Азларова. — Ҳозирда маҳалла аёлларининг маънавий мавзулардаги сўхбатларини

ташқил этганмиз. Доимий учрашувларда фарзандларимиз тарбияси, маънавий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳи етакчилик қилади.

Маҳаллада фуқароларнинг иқтисодий-маиший муҳофазасини таъминлаш билан бир қаторда уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Жумладан, 2004 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган маҳалла гузари маҳалланинг шоду хурсандчилик кунларига хизмат қилмоқда. Унда мавжуд бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида намунали савдо-сотик ишлари маҳаллий андозаларга мос тарзда йўлга қўйилган.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: маҳалла ҳаётидан лавҳа; янги қурилиб фойдаланишга топширилган маҳалла гузарининг умумий кўриниши.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

Шарҳловчи

тинбари

БМТНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИ БОШЛАНДИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош ассамблеясининг олтинчи сессияси бошланди. Унда 170 дан ортиқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, сессия кун тартибига юздан ортиқ масала киритилган. Бугунги кунда дунё глобаллашув ва ахборот технологиялари даврини бошдан кечиряпти. Янги ўзгаришлар, ихтиролар кўп кузатишмоқда. Албатта, башарият жадал тараққий этиб бораётгани қувонарли. Аммо шу билан бирга, инсоният учун жиддий ҳавф туғдираётган кўп муаммолар илдиш оётаётгани ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

Саммитда бугун долзарб муаммоларга айланган қашоқлик ва очарчилик, турли юкумли касалликларнинг тарқалишига қарши кураш, хавфсизлик ва барқарорлиқни мустақамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, иқтисодий ривожланиш, муҳтож мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш каби масалалар муҳокама этилади.

Шунингдек, бутун инсониятга жиддий таҳдид солаётган халқаро террорчиликка қарши баҳамжиҳат курашиш масаласи сессия иштирокчилари муҳокамасидаги асосий мавзулардан бири бўлади. Дарҳақиқат, бу ёвзу иллатга барҳам бериш, унга қарши янада фаол амалий чоралар қўллаш фурсати етганини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Ривожланган мамлакат бўладими, ноҳорликда зўр-базўр кун кўраётган давлат бўладими, бу таҳдиддан четда қолаётгани йўқ.

Саммитнинг биринчи иш кунинда давлат ва ҳукумат раҳбарлари террорчиликка қарши кураш масалаларини ўз ичига олган халқаро конвенцияга имзо чекишди. Мазкур ҳужжат ер юзида оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, халқаро террорчилик, хусусан, ядровий террорчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган.

Саммит кун тартибидан, шунингдек, БМТ фаолиятини, жумладан, Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўрин олган.

БМТ саммити 16 сентябрга қадар давом этади.

Ақмал НАЗАРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик кимошди савдоси ўтказилди.

2005 йил 18 октябрь кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилди:

1. «БМВ-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи — 10 000 000 сўм, техник носоз-Юнусобод-238/4
2. «Ваз-2101» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 L 6883, бошланғич нархи — 1 345 850 сўм, техник носоз-Учтепа-241/4
3. «БМВ-525» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 469 SHM, бошланғич нархи — 2 200 000 сўм, техник носоз-Юнусобод-229/4

Кимошди савдолари соат 16.00 да бошланади.
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси бошланшидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимошди савдоси бошланшидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШҒАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури Дастурдан: ўргатилган кучуқчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа қўлпаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган. ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!
Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ ҳар хил шаклда тўлашни мумкин.
Касса эртадан соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 18,21,25,28 октябрь ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига тақлиф этади!

Савдоларга куйидаги автотранспорт воситалари кўйилади:
Чилонзор тумани, Ўзбекистон шохқўчаси, 45 «А»-уйда жойлашган У.Р. Иқтисодий вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1984й. и/ч, д/р 10АК 079 бўлган ИЖ-271501 русумли а/в. Бошланғич нархи 410 100 сўм.
Юнусобод тумани, Сулаймонова кўчаси, 49-уйда жойлашган «UZBEKINVEST» экспорт-импорт миллий сўгурта компаниясининг: — 2000й. и/ч, д/р 10АЖ 975 бўлган ГАЗ 3110

русумли а/в. Бошланғич нархи 1 900 000 сўм. — 2000й. и/ч, д/р 10АЖ 976 бўлган ГАЗ 3110 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 100 000 сўм.
Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган «O'zbekyengilsanoat» ДАК Ишлар бошқармасининг 1992й. и/ч, д/р 10АР 151 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 127 336 сўм.
Ҳамда С.Раҳимов тумани, Корасарой кўчаси, 326-уйда жойлашган, майдони 926,52 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар кўйилади. Бошланғич нархи 7 542 602 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектининг бошланғич нархидан 10% миқдордаги закалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 х/р тўлайди. Ариза-ржа қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.
Савдолар Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1999 йилда ДП «Сумбула-нон» номига берилган 7-8/99 реестр рақамли рўйхатдан ўтган қадрастр ҳужжати йўқолиниги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Расм, рақс, мактабга тайёрлаш, рус ва инглиз тилини ўргатамиз.
Метронинг «Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари.
Телефон: 393-52-40

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ
ДОМО БУЛУҒ...

● Беш ҳислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дустини кўпайтиради: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шпор қилса, тўхмат қилишдан этак силкитса, ҳушхулқ, суҳбат ододидай риюя этса.

● Кайковус айтди:

—Фирибгарлардан эҳтиёт бўл ва ўзинг ҳам кишиларни алдама, чунки кишиларни алдайди ва уларни алдади деб гумон қиладиган ҳар қандай киши хато қилади — у ўзини ўзи алдайди.

● Абу Али ибн Сино айтди:

— Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош торган киши одамларнинг энг кўрқоғидир.

● Саъдий Шерозий айтди:

— Дилга марғуб бўлган кўзга ҳам маҳкуб бўлади.

● Абдул Аъло Маарри айтди:

— Инсон ўз уйининг эшигини беркитиб, вужудини сақлай олади лекин қалб эшигини беркитишдан ожиз бўлади, қалбига қайғу-алам кўп вақт ҳужум этиб туради.

● Бир донишманд айтди:

— Меҳнат одами катта фалокатдан: гамғилликдан, муҳтожликдан, энг асосийси — кассаликдан халос этади.

● Нафсининг давоси очкўзликни тарқ этиш, харисликка йўл қўймасликдир.

● Очкў душман аширин душмандан хавфсизроқдир.

● Самийи дўст сени хайрли йўлга бошлайди. Ёмон йўлга бошлагани асло дўст ҳисоблама.

● Бу дунёда ҳамма нарса ўзгарди, фақат фазилат ўзгармайди.

● Ақлли кишилар ғийбатчилардан узоқ бўладилар, чунки ғийбат энг ёмон одатлардан бўлиб, келтирадиган зарари кўпдир.

Байт:

Айтмагил ғийбат

сўзин, ҳам унга ҳеч

солма қулқоқ,

Ундан озгинг ҳам,

қулқоғинг пок бўлса

яхшироқ.

● Олимлардан Фахриддин Розий айтди:

— Тиланчини қуруқ қайтариш, жоҳил билан ҳамсуҳбат бўлиш, молу дунё орттиришга харислик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан: «Билимни нима нарса безайди? Шижоатничи, саҳийликничи?» деб сўрадилар.

Донишманд айтди: «Билимни — тўғрилик, шижоатни — афв қилишлик ва саҳийликни — очик юзликлик ва ширинсўзлик безайди».

● Олимлардан Шайх Жуманд айтди:

— Ёлғон сўзлаш эмалик, тақаббурилик, чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлик, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва тавозе обрўни кўтаради.

БИР ҚУЧОҚ ГУЛ

Ҳотамжон ишга шошилиб уй остонасидан чиқётганида хотини заҳрини сочди.

— Иш ўлсин. Шошилганингиз-шошилган. Хой, сиз ҳам бундоқ эркакларга ўхшаб уйда нима гапганини суриштирасимиз, йўқми? Неча кундан бери айтман тугилган куним деб. Уйда ҳеч вақо йўқ. Кечкурун қайтишингизда совға олмасангиз ҳам рўзғорга ул-бул харид қилиб келарсиз.

Холисхон шундай дея қўлидаги халтини эри томон улоқтирди. Ҳотамжон ҳайрат билан хотинига тикилди: «Нима жин урди бун, эрталабдан тўнини тескари кийиб олди?». Шу дамда бирор аччиқ-қуруқ сўз айтиб, узиб олгиси келсада тилини тийди. Ҳар қалай тугилган куни. Барибир ловиллаган кerosинга сув сепса баттар авж олади. Жавоб ўрнига оёғи

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР ШАҲАР КЕЗАДИ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

остида эркаланиб, йўноқлаб юрган лайча итини жаҳл билан бир тепгиб, учуриб юборди-да, индамай кўчага чиқди.

Йўлда ким билан учрашди, саломлашди, билмайди. Бир вақт ўзига келиб қараса ишонаси йўлдаги турибди. Ҳар доим хушчақчақ юрадиган устанинг руҳияти пастигидан шогирдлари хайрон. Бунинг устига устаси тушмагур ҳали у шогирдига, ҳали бунисига танбех беради. У ҳатто тушликка ҳам чиқмади. Энг яқинларидан бири унга мулозамат кўрсатиб балога қолди.

— Қулқоқ борми ўзи, тушлик қилмайман дедимми, тамом-вассалом.

Хуллас, кечгача ишдаги кўнгилсизлик давом этди. Иш вақтини тугаллаб у билан хайрлашаётган шогирдларига ҳам чурқ этиб оғиз очмади уста. Охирида эранг-қаранг уйига қайтаркан, бирдан хотини Холисхоннинг буюртмасини эслади. Хаёл билан бўлиб бозорга боришни ҳам унутибди. Орқага қайтай деса анча йўл. Бунинг устига кеч кириб қолган. Энди хотини яна тўтидек сайраса керак. Бор-ей, нима бўлса бўлди деди-ю, кўчадаги гул бозордан бир қучоқ гул харид қилиб ҳовлисига кириб бораверди.

Ҳотамжон остона ҳатлаши билан хотини гулгун яшнаб истиқболига югурди.

— Ассалому алайкум, адажониси, ҳорманг, чарчамайгина, яхши келдингизми?

Аёлининг бу мулозаматидан Ҳотамжон хайрон бўлганча бир қучоқ гулни қўлига тутиб, уни табриклаган бўлди.

— Вуй, мунча чиройли, — Холисхон шундай дея гул-гул яшнаб кетди.

— Раҳмат! Адажониси, ишқилиб сизни хафа қилиб қўймадимми? Менгина ула қолай, эрталаб уйламай-нетмай...

Ортикча сўзга ўрин йўқ. Шу дамда у хайрон эди. Бу нима гулнинг кўнгил очдисими ёки хотинининг эрталабки қилмишидан пушаймонлигимми? Ҳар қалай иккаласининг ҳам таъсири бўлса керак.

Ҳотамжоннинг кайфияти бутунлай кўтарилиб, орадаги ғубордан асар ҳам қолмади.

нафақат биз, балки кўплаб ҳамшаҳарларимиз ҳам сайру саёҳат истаб қолишган кўринишади. Йўллар гавжум, серқатнов. Йўловчиларнинг кўми дам олиш кўнларини унумли ўтказиш учун шундоқ яқин атрофдаги оромоқхоҳларга йўл олишган.

Ишончимиз комилки, бугун Хумсон, Бурчмулла, Кумушкон, Паркентдаги сўлим масканлар улар билан обод бўлиб кетади. Бўстонлик, Паркент томон олиб борувчи йўллари кузатиб сайилгоҳлар томон ошиқиб турна қатор бораётган машиналарни кўрибди. Улар текис ва равон йўллардан қўш мисол учиб боришади. Техникалар рулини бошқариб бораётган ҳайдовчилар ва уларга ҳамроҳ бўлганларнинг очик чеҳра, хуш кайфиятини кўриб дилингиз айрайди. Шу кўнчюк «чехралар билан бирга бўлингиз, бир пиёла чой устида шўх-шодон суҳбатлашингиз келади.

Катта йўлнинг икки четидаги боғлар ва тоқзорлар, мевали дархтларга қараб кўзингиз яшнайдди. Бу неъматлар Ўзбекистонимизнинг чинакам зийнати, дастурхонимиз кўрки. Улар рўзгоримизнинг файз-баракаси. Бу йил айниқса кўтлуг келди, мева йилли бўлди. Боғларда гарқ пишиб етилган анвойи неъматлар мўлтигидан дарахтлар шохлари ер бағирлаб турибди. Соҳибкорлар улар парвариси билан банд. Донасини увол қилмасдан шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилиш иштиёқда тер тўқшапти.

Шундай дамда беихтиёр дилингизда бир истак пайдо бўлади. Қани энди, моҳир мўйқалам устаси бўлсаму, она-юртинг ана шу бекиёв гўзаллигини рангли бўёқларда ҳаққоний тасвирлаб берсам, дейсан. Лекин наилож, ҳамма ҳам бу ишининг уддасидан чиқавермайди. Орзули нигоҳ билан яшил табиат ранг-баранг жиросига, сервикор тоғларнинг мафтункор кўринишига тикила туриб лабларингда беихтиёр «Нақадар ўзгалсан, она-табиат» деган сўзлар такрор-такрор ўз аксини топади.

«Юрган дарё, ўтирган бўйра» дейишди донолар. Қисқа сафаримиз чоғида саховатли юртимиз шу қадар гўзал манзараларга бойлигини яна бор бор юракдан хис этдик.

— мансаб пиллапооялари ҳақида қайғуриш, ташаббус кўрсатиш;

— қисқа муддатли амалий ёхуд шахсий сафарга йўлга чиқиш;

— бадқовоқликдан ва гумонсирашлардан ўзингизни асранг.

19 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Бугун тўлин ой кўнларидан бири бўлиб, унинг рамзи оқ кабутардир. Юлдузлар илмида бу фазовий ва Ер жисм-лари ўртасидаги уйғунлик ва ҳамоҳанглик, ўзаро мутаносиблик кўни маъносини билдиради. Шу кун ҳар қандай жисмоний машқар фойдали бўлади. Уйғунликнинг бузилиши киши танаси ичида нохуш жараёнларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бақир-чақир, қўлоллик ва бесабрлик бугунги кундан мутлақо истисно этилиши керак. Осойишталикка риюя этиб, турли ёт ҳаракатлар билан ички тинчлик-хотиржамлик, фароғат ҳолатини тузмаслик керак. Бир сўз билан айтганда — ҳар ишда ва ҳар қандай вазиятда меъёрга риюя қилиш талаб этилади. Айниқса, ўзаро жанжаллашиш қатъиян ман қилинади.

ДУШАНБА:

— янги ва муҳим ишларни бошлаш;

— ўз фояларингизни амалга оширишга киришингиз;

— ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик истеъдодингизни намоён этиш;

— натижасига ишонсангиз — таваккалга иш тутиш;

— қучли таъсир этувчи дори-дармонлар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан, томоқ, кўкрак, қорин ва оёқлардаги оргк аломатларига бепарво бўлишдан сақланинг.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

17 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

Янги туркумлар ва муҳим ишларга пойдевор қўйиладиган кун — мунажжимлар бугунги кунга шундай таъриф беришган. Улар бу кунни даъват кўни деб ҳам аташади. Бунга сабаб кўннинг рамзи билан боғлиқ — яъни карнай билан. Шунинг учун ҳам бугун сизни ким ва қаерга чорлаётганига диққат билан эътибор қилишингиз керак бўлади. Кўннинг аломатлари, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши ҳам эътиборингиздан четда бўлмасин. Буларнинг бари сизга ўз тақдирингизни билиб олиш, ҳаётдаги вазифангиз ва ўрнингизни аниқлаш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ҳар қандай эзгулик ишини шу бугуноқ бошлаганингиз маъқул. Ақс ҳолда нақ бир ойлик фурсатни бой бериб қўйган бўласиз. Шунинг ҳам ёдда тутиш кераки, ҳар қандай янги ишга қўл урмоқчи бўлсангиз, албатта уни ойнинг 14-кўни бошлаганингиз маъқул.

БУГУН:

— анча мураккаб бир муаммони ҳал этишга эътиборингизни жамлаш;

— билим ва интеллектуал қувватингиздан тўлароқ фойдаланиш;

— ўзингиз жуда яхши уддалайдиган ишлар билангина машғул бўлиш;

— ишингиз ҳақида кўп гапириш, муваффақиятларингиз билан мақтанчоқлик қилиш, кўринишдан гоят манфаатли туюлган тақлифларни қабул қилишдан ўзингизни тийинг.

18 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

Мунажжимлар бугунги кўни инсон ўзига пайдо бўладиган турли майллар, айниқса

хирсий майлларга қарши курашадиган кун дея тавсифлашган. Уларнинг фикрича, бугун ҳар бир кишида «ички илони» қимирлаб қоладиган кун ҳам ҳисобланаркан. Шу кунни тугилган кишилар бу ҳолатларга берилувчан, танбал, юмшоқ, таъсирчан ва маишат-парастликка мўйил бўлишади.

Шу кунни сафарларга отланиш, саёҳатларга чиқиш, турли уйинлар, жисмоний машқар билан шуғулланиш, мантқиқий масалаларни ечиш ва интеллектуал меҳнат билан машғул бўлиш самарали бўлади. Яхшиси, бугун ҳеч қандай ишни бошламаган маъқул, битимлар тузиш, ҳужжатларни имзолашдан ҳам ўзингизни тийинг. Нихоҳдан ўтиш ҳам мумкин эмас — бугунги курилган оила тез барбод бўлиши мумкин.

Зухро юлдузи билан Сатурн қувватларининг ўзаро акс таъсири пул муаммоларнинг юзага келишига ва севги муносабатларининг совиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо Зухро юлдузи билан Уран қувватларининг ҳамоҳанг таъсири ушбу нозик ва чалқаш вазиятдан муваффақиятли чиқиб кетиш имконини беради.

Ялтироқ мавдан буюмини топиб олиш бугун яхшилик аломати ҳисобланади. Идиш-товоқнинг синиши ва тузнинг тўкилиши эса — нохушликлардан оғохлантиришдир. Содатнинг тўхтаб қолиши ёки калитнинг йўқолиши каттагина йўқотишлар ва нохушликларга ишора ҳисобланади.

ЯКШАНБА:

— қимматбаҳо зеб-зийнатларни, шунингдек, асбоблар, ашёлар ва ишингизда керак бўладиган бошқа буюмларни сотиб олиш;



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нускада босилади. Қўғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб берин масъуларига бўлига турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-7405 телефонига мувожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.